



МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИКНИНГ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Олтаев Ш.С. – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Аннотация. Ушбу мақолада аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва уни таъминлашда давлат сиёсати ҳамда молия институтларининг роли илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда замонавий рақамли технологиялар шароитида аҳолининг молиявий билимларга бўлган эҳтиёжи, молиявий хизматлар бозоридаги ўзгаришлар ва молиявий саводхонликнинг аҳоли фаровонлиги ҳамда миллий иқтисодиёт ривожига таъсири ёритилган. Шунингдек, молиявий саводхонликни оширишга қаратилган ислохотлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирларнинг самарадорлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: молиявий саводхонлик, шахсий молия, молиявий хизматлар, молиявий хавфсизлик, банк хизматлари, рақамли молия, аҳоли фаровонлиги, иқтисодий ўсиш.

Замонавий иқтисодий муҳитда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши аҳолининг молиявий қарорлар қабул қилиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, молиявий хизматлар бозорининг кенгайиши, янги банк ва нобанк маҳсулотларининг пайдо бўлиши фуқаролардан етарли даражада молиявий билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади. Шунуктаи назардан, молиявий саводхонлик аҳолининг шахсий маблағларини самарали бошқариш, хавф-хатарларни баҳолаш ва молиявий барқарорликка эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ва интернет маконида тарқалаётган нотўғри молиявий ахборотлар аҳолининг молиявий хулқ-атвориға салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса молиявий фирибгарликлар, сохта инвестиция



лойиҳалари ва молиявий пирамидаларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Шу сабабли аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасида кўриб чиқилиб, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий стратегиялар қабул қилинмоқда.

Мазкур мақолада аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг зарурияти, амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий самараси илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Ҳозирги кеча-кундузда замонавий технологияларнинг ривожланиши натижасида инсонлар учун кенг имкониятлар яратилляпти. Бундай имкониятлардан фойдаланиш учун эса молиявий саводхонликка эга бўлиш талаб этилади. Айниқса, энг оммабоп йўналишлардан ижтимоий тармоқлар орқали жамиятга кўплаб ёлғон ёки нотўғри маълумотлар етказилмоқда. Бу маълумотлар кўплигидан уларни тўғри ёки нотўғри эканлигини халқимиз ажратиб олишга қийналмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан белгиланган асосий мақсадларидан бири фуқароларни шахсий пул маблағларидан самарали фойдаланишлари учун етарлича маълумотлар ҳамда молиявий саводхонлик бўйича таълим беришга катта эътибор қаратилмоқда.

“Аҳолига ипотека кредити ва уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажратиш жараёнларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.10.2022 йилдаги 601-сон қарори ҳам аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш даражасини оширишга қаратилган[1].

Бундай қонун ва қарорларни вақтида билиб, улардан самарали фойдаланиш учун, инсонлардан молиявий саводхонлик талаб этилади. Молиявий жиҳатдан билимга эга бўлиш, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келади.

Инсонларга молиявий жиҳатдан билимнинг етишмаслиги кўплаб



йўқотишларга сабаб бўлмоқда. Молиявий саводхонлиги, иқтисодий билими юқори даражада бўлиши нафақат аҳолининг моддий фаровонлигига, балки мамлакатнинг иқтисодиётининг ривожланишига олиб келади. Жамиятнинг молиявий билимга эга бўлиши иқтисодиётдаги ўзгаришларни идрок этадиган кишиларнинг кўпайишини таъминлайди ҳамда давлат томонидан қабул қилинаётган қарорларни онгли равишда тушуниб етишига улар учун берилаётган қатор имкониятлардан самарали ва тўғри фойдаланишига хизмат қилади. Мисол учун молиявий сектор ривожланишининг 1 фоиз пунктига ортиши иқтисодиётда 0,5-2,5 % га ўсишни таъминлади [5].

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат замирида асосан аҳолининг фаровонлигини таъминлаш ётади. Бунинг учун албатта аҳолини молиявий барқарорликка эришишида молиявий билим кўникма ва тажрибага эга бўлиши лозим.

Молиявий саводхонлик - ўз маблағини бошқариш ва уни кўпайтириш маҳорати. Афсуски айримлар пулни кўпайтириш уёқда турсин уни тўғри сарфлашни, жамғаришни билишмайди. У молиявий бозорнинг ўзига хосликларини билиш, бозор иштирокчилари томонидан таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлардан хабардор бўлиш ҳамда шу асосда қабул қилинган қарор масъулиятини зиммасига олиш дегани ҳамдир.

Албатта бу борада давлатимизда талайгина чора-тадбирлар амалга оширилиб келмоқда. Бунга мисол қилиб, Марказий банк молиявий саводхонлик йўналишида “ИТ-ПАРК” (Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси МЧЖ) билан ўзаро ҳамкорлик Меморандум имзолаганини айтиш мумкин. Молиявий таълимни ривожлантириш мақсадида имзоланган мазкур Меморандум Ўзбекистон Республикасида ёшлар ва аҳолининг рақамли молиявий саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Меморандумда аҳолининг рақамли молиявий саводхонлигини ва



молиявий хизматлар ҳақида хабардорлик даражасини куйидагилар орқали ошириш назарда тутилган:

биринчидан, ўқув курслар, анъанавий ва онлайн тадбирлар, шу жумладан вебинар, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиш;

иккинчидан, аҳоли ва тадбиркорлар молиявий саводхонлигини ошириш таълим дастурлари, тадбирлари ва лойиҳаларини амалга ошириш;

Марказий банк ташаббуси билан “2021-2023 йилларда мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегияси” доирасидаги чора тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. [2].

Яна молиявий саводхонликни ошириш бўйича банк омонатлари орқали маблағларни жамғариш имкониятлари, молиявий хавфсизликнинг асосий қоидалари, ижобий кредит тарихини шакллантириш учун масъулиятли қарз олишнинг аҳамияти, шунингдек, аҳоли учун давлат томонидан яратилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақида айтиб ўтиш лозим.

Кундан-кунга яшаш шароити янгиланиб янги воситалар ва янги хизматлар бозори шаклланмоқда. Шу сабадан ижтимоий ва молиявий жараёнларни тартибга солувчи қонун ва ҳужжатларни вақти-вақти билан ўзгартириб турганлиги, жамиятда нималар содир бўлаётганлигини тушуниб етишишлари учун молиявий саводхонлик даражаси юқори бўлиши лозим.

Молиявий хизматларда банк хизматларининг улуши 90% дан юқори бўлиб, қолган қисмини суғурта, кредит, лизинг, микрокредит, микролизинг, фонд бозори, қимматли қоғозлар бўйича хизматлар ва бошқа турдаги молиявий хизматлар ташкил этади. Ҳозирги кунда 33 та банк, жумладан давлат улуши мавжуд бўлган 12 та банк истеъмолчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Иқтисодиётга ажратилган кредитларнинг 85 % давлат улуши мавжуд банклар ҳиссасига тўғри келади. Охириги 5 йил мобайнида банк соҳаси сезиларли даражада кенгайди ва ривожланди. Тижорат банклари томонидан миқдорларга хизмат кўрсатувчи банк филиаллари сони 876 тага, мини-банклар



4177 тага етди.

Ютуқлар Банк соҳасида қуйидаги ислохотлар амалга оширилди:

биринчидан, молия вазирлиги таркибида Давлат иштирокидаги тижорат банкларини ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш департаменти ташкил этилди;

иккинчидан, “Марказий банк тўғрисида”ги ва “Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиришлар киритилди;

учинчидан, замонавий технологияларни кенг жорий қилиш билан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар инфратузилмаси ривожлантирилди;

тўртинчидан, узлуксиз тўлов тизимлари кенгайтирилиб, терминаллар Ҳумо ва Узкард карталаридан ўзаро қабул қилиш учун такомиллаштирилди;

бешинчидан, масофавий банк хизматларини кўрсатиш кенгайтирилди (масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони охириги 5 йилда қарийб 4,5 баробар кўпайиб, 4,4 млн. дан 20,2 млн. га етди);

олтинчидан, рақамли банклар фаолият юрита бошлади (ТБК, Анор банк, Апелсин банк).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасининг ошиши нафақат шахсий молиявий барқарорликни таъминлайди, балки миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Молиявий билимга эга аҳоли молиявий хизматлардан онгли равишда фойдаланиб, ўз даромадларини тўғри тақсимлаш, жамғариш ва инвестиция қарорларини асосли қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, молиявий саводхонликнинг етарли даражада шаклланмаганлиги аҳолининг молиявий хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиб, фирибгарлик ҳолатларининг кўпайишига олиб келиши мумкин. Тадқиқотда келтирилган таҳлиллар давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар ва молиявий таълим дастурлари аҳолининг молиявий билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.



Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг молиявий саводхонлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, маҳаллий ҳокимиятлар, маҳалла ва иш берувчилар иштирокида аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ва қисқа муддатли ўқув курсларини тизимли ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари учун мослаштирилган молиявий таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва рақамли платформалар орқали оммалаштириш зарур.

Учинчидан, ҳудудлар кесимида молиявий саводхонлик даражасини баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида танловлар ва рейтинг тизимларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, молиявий билимларни оширишга қаратилган электрон иловалар ва интерактив таълим воситаларини ривожлантириш лозим.

Бешинчидан, тадбиркорлар, оилалар ва жисмоний шахслар учун шахсий бюджетни режалаштириш ва бошқариш бўйича универсал услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсоният борки, бахтли ва фаровон яшашни истайди. Ўз олдига турли хил мақсад ва марралар қўйиб ўзи орзу қилган буюмларни харид қилишни хоҳлайди. Лекин афсуски ҳар доим ҳам орзуларни амалга ошириш учун етарли маблағ бўлавермайди. Бунга сабаб инсонларни пул билан муомала қилиш кўникмаси шаклланмаганлигида. Молиявий жиҳатдан эркин бўлиш учун эса албатта молиявий саводхонлик кўникмаси шаклланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим деб ўйлаймиз:

биринчидан, маҳаллий ҳокимият, маҳалла ҳамда иш берувчилар ўзига қарашли шахсларни молиявий саводхонлигини ошириш бўйича чора-



тадбирлар (семинар тренинглар ўтказиш, қисқа муддатли ўқишлар ташкил этиш) ишлаб чиқиши лозим. Чунки ҳар бир оила учун кўрилган зарар ўз-ўзидан ўша ҳудуд иқтисодиётига таъсир кўрсатмай қолмайди;

иккинчидан, шунингдек, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари учун турли ахборот ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш муҳим чоралардан ҳисобланади;

учинчидан, ҳудудлар миқёсида молиявий саводхонлик бўйича танловлар ўтказиш. (Мисол учун, Қайси ҳудуд аҳолисининг молиявий саводхонлиги юқори);

тўртинчидан, иқтисодий билимларни ошириш бўйича ҳар хил электрон иловаларни яратилиши;

бешинчидан, ҳар бир янги ишга кирувчи ходимнинг молиявий саводхонлик даражасининг юқорилиги унинг устуворлигини таъминланиши;

олтинчидан, тадбиркорлар, оилалар ва шахсларга ўз бюджетларини шакллантириш, режалаштиришга оид билим ва кўникмаларни мунтазам бериб боришнинг универсал усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш лозим.

Шахсий молиявий мақсадларга эришишда ҳар бир шахс учун юқори даражадаги молиявий саводхонлик муҳимдир. Инсон ўз олдига қандай мақсадни қўйишидан қатъи назар молиявий саводхонликни ошириш ҳаётий етуқлик шаклланишида, келажакка ишонч билан қарашда, молиявий хизматлар сифати яхшиланишида, жамиятда ижтимоий барқарорлик таъминланишида ва миллий иқтисодиёт ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Ipoteka kreditidan foydalanishda aholiga qo‘shimcha qulayliklar yaratish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 601-sonli qarori 14.10.2022 y oktyabr
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Mikromoliyaviy xizmatlar



ommabopligi in oshirish chora tadbirlari to'g'risidagi" gi PQ-4400 sonli qarori, 23.07.2019y.

3. A.V.Vaxabov, Sh.A.Tashmatov, N.X.Xaydarov, A.V.Vaxabov. Moliyaviy savodxonlik asoslari: o'quv qo'llanma/ - Toshkent: Baktria Press.2013. 288b.
4. Ulug'murodov D. Moliyaviy savodxonlik nima? - <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/10461-moliyavij-savodkhonlik-nima>.
5. https://ifmr.uz/archives/news/report_2023_01.